

КУШБЕГИ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ

Хамраев Гайрат Ганиевич,
Жиззах давлат педагогика
университети катта ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро амирлигида энг юқори давлат мансабларидан бири бўлган кушбеги лавозими ҳақида айрим маълумотлар ва тадқиқотчининг муҳим фикр-мулоҳазалари қисқача баён қилинган. Шунингдек, унда мазкур давлат бошқаруви тарихини ёритишида бизга муҳим маълумот берувчи Кушбеги архиви материаллари ҳақида ҳам сўз боради.

Калит сўзлар: амирлик, манғитлар, кушбеги, лавозим, чекланмаган ҳуқуқ, давлат бошқаруви, ўзбек уруғлари, қабила бошлиқлари, дин пешволари, маҳаллий бошқарув, унвон, мансаб, амал, **қўшбегийи боло, амир ул-умаро, оталиқ, ҳоким(валий, бек), девонбеги.**

РОЛЬ ДОКУМЕНТОВ КУШБЕГИ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА

Хамраев Гайрат Ганиевич,
старший преподаватель ДжГПУ.

Аннотация: В данной статье обобщены некоторые сведения и важные комментарии исследователя о должности Кушбеги, которая являлась одной из высших государственных должностей в Бухарском эмирате. А также речь идёт об архивных материалов Кушбеги, дающее нам важные сведения о системе управления этого государства.

Ключевые слова: эмират, мангиты, кушбеги, должность, неограниченный закон, государственное управление, узбекские кланы, вожди племен, религиозная масса, местное самоуправление, титул, карьера, практика, кушбегийи боло, амир ул-умаро, отец, правитель (хаким), деванбеги.

THE ROLE OF KUSHBEGI DOCUMENTS IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE BUKHARA EMIRATE

Xamraev G'ayrat G'anievich
Jizzakh State Pedagogical university

Annotation. This article summarizes some information and important comments of the researcher about the position of Kushbegi, which was one of the highest government positions in the Bukhara Emirate. And also we are talking about the archival materials of Kushbegi, which gives us important information about the management system of this state.

Key words: emirate, mangits, kushbegi, position, unrestricted law, public administration, uzбек clans, tribal chiefs, religious leaders, local government, title, career, practice, koshbegiyi bolo, amirul-umaro, father, governor (governor, bek), devonbegi.

Ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос ўрин тутган Бухоро амирлиги (1753-1920) даври тарихини ўрганиш орқали Ўрта Осиё худудида юз берган воқеликлар, конуниятлар бўйича муайян тасаввурлар ҳосил қилиш мумкин. Айниқса, кўп асрлар мобайнида ўзига хос тарихнавислик шаклланган Бухоро мухитига мансуб ёзма манбалар, хусусан, амирлик ҳаётининг муҳим қирраларини ўзида акс эттирган Кушбеги архиви хужжатларини шу нуқтаи назардан ўрганиш долзарблик касб этади.

Маълумки, Кушбеги лавозими Бухоро амирлигида манғитлар сулоласи даврида бош вазир, амирдан кейинги олий мансаб бўлган. Кушбегига барча вилоятлар ва бекликларнинг ҳокимлари, беклари бўйсунган ҳамда амирнинг пойтахтда бўлмаган пайтида у амирликнинг барча ишларини бошқарган.

Бухоро амирлиги тарихини ёритишда бугунги кунда сақланаётган Кушбеги архиви материаллари тарихчилар учун муҳим тарихий материаллар бўлиб хизмат қилади. Бухоро амирлиги кушбеги архивининг ҳозирги ҳолатигача бўлган шаклланиш жараёнлари ҳам узоқ даврни босиб ўтган бўлиб, буни қуйидаги жиҳатларда кўриб чиқиш мумкин.

Кўп асрлик анъаналарга эга Бухоро тарихнавислиги XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида янада ривож топиб, бу даврда амирлик мухитида ёзилган тарихнавислик намуналарининг сони анчагина катта рақамни ташкил этади. Бу давр Бухоро тарихнавислари орасида энг сермахсул ижодкорлардан бўлмиш Аҳмад Донишнинг (1827-1897) тарихий мероси алоҳида диққатга сазовор[1:76]. Бухоро амирлигида юз берган



ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этган ва амирликнинг маҳаллий аҳолиси орасидан етишиб чиққан шахс сифатида у ёзиб қолдирган қайдлар бирламчи маълумотлар ҳисобланади. Гарчи у асосий эътиборни пойтахт атрофидаги воқеликларга қаратган бўлса-да, манғит хонадонининг келиб чиқиши асосий рол ўйнаган Қашқадарё воҳасидаги жараёнларга ҳам бирмунча тўхталиб ўтгани учун муаллиф келтирган маълумотлар алоҳида қимматли.

Бухоро тарихнависларидан бири Мирзо Салимбекнинг (1850-1930) тарихий асарлари “Кашкули Салимий” ва “Тарихи Салимий” номлари билан маълум. “Тарихи Салимий” Н. Норқулов томонидан диссертация иши доирасида ўрганилган ва рус тилига ўгирилган эди [2:28]. Бу таржима 2009 йилда нашр этилган бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг сиёсий, айниқса, иқтисодий ҳаётини ўрганишдаги аҳамияти беқиёсдир. Асарда манғит амирларининг сўнгги уч вакили – Музаффар, Абдулахад ва Олимхон (1910-1920) ларнинг ҳукмронлик даврлари батафсил ёритилган.

Бухоро тарихнависларининг илғорларидан бири Садр Зиё (1867-1931) бўлиб, унинг асарларидан бир қанчаси Л.М. Елифанова томонидан тавсифланган [3:64]. Унинг “Тарих”, “Мунтахаб ат-таворих” (“Тарихдан сайланмалар”), “Рўзнома” (“Кундалик”) каби асарлари Бухоро, шу жумладан, Қашқадарё воҳаси тарихини ўрганишда муҳим. Унинг “Тарих” асарида Ўрта Осиёнинг XIII-XX асрлардаги тарихи, шунингдек, Туркия, Афғонистон, Эрон ва Россия тарихи, амир Музаффар ҳокимиятни эгаллаганидан сўнг йирик исёнларни бостириши, амир ёрдамида Худоёрхоннинг Қўқон тахтини эгаллаши ҳақида қисқача маълумотлар тилга олинган.

Бухоро тарихнавислари орасида яна бир етук шахс 1878-1954 йиллар орасида яшаб ижод қилган Садриддин Айнийдир. Унинг бир қатор асарларида Қашқадарё воҳаси алоҳида тилга олинган. Айниқса, унинг “Тарих амирони манғитийайи Бухоро” (Бухоронинг манғит амирлари тарихи) асарда манғитларнинг воҳадаги фаолияти ҳақида анча-мунча сўз боради.

Бухоро тарихнавислари орасида Мирзо Сомийнинг (1838-1907) ижоди алоҳида ажралиб туради. “Миръот ул-хаёл”, “Манозир ал-иншо” сингари асарлар ва салмоқли шеърый мисралар унинг адабий ижодини безаб турса, “Дахмаи шоҳон”, “Тухфаи шоҳий”, “Тарихи салотини манғитийа” каби асарлари тадқиқотчилар томонидан ўрганилган [4:30-35]. Мирзо Сомий узоқ йиллар Бухоро ҳукмдорларидан амир Музаффар (1860-1885) ва амир Абдулахад (1885-1910) саройида муншийлик вазифасида хизмат қилди. Россия империяси истилолари даврида амир Музаффар кўшинида воқеаларни ёзиб боровчи (нависанда) вазифадор сифатида иштирок этди.

Бухоро тарихнавислари орасида Мирзо Сомий асарлари Қашқадарё воҳасида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларни нисбатан кенг ёритганлиги учун ушбу муаллифнинг қайдларига бирмунча кенгрок тўхталиб ўтамиз. Муайян бир амалдор сифатида кўп вақтини лашкарбошилар ва бевосита амир ҳузурида ўтказган Мирзо Сомий Бухоро амирлиги ҳудудларининг чор Россияси томонидан забт этилиши арафасида, уруш даврида ва ундан кейинги йилларда Бухоро давлати олиб борган ички ва ташқи сиёсатига бевосита гувоҳ бўлади. Айниқса, у амир Музаффарнинг Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари (1863-1864), Ҳисори Шодмон (1864) ва Қўқон хонлигига (1866) қарши юришларида воқеликларни ёзиб боровчи, Рус-Бухоро урушида воқеаларни кузатувчи вазифасида иштирок этиб, жанг тафсилотларини қайд этиб борган [5:46].

Ундан ташқари, Бухоро ҳукумати таклифига биноан, Бухоро тарихини ёзиш учун 1920-1921 йиллар Бухорога тарихчи олимлардан В.В. Бартольд, А.А.Семенов, Пўлат Солиев, Фитрат ва бошқалар келишган. Улар фақатгина ўзларига керакли бўлган ҳужжатларни ўрганиб чиққанлар. Миллий чегараланиш даврида Бухорода М.Сайиджонов раҳбарлигида комиссия тузилгач, у 1924 йили ҳамма тўпланган ҳужжатларни қайта ишланмаган асл ҳолида Бухоронинг марказий кутубхонасига топширади. Ўша пайтда акт бўйича 69 ўрам, 52 дафтар ва 50 китоб мавжуд бўлган. 1931 йилга келиб архив тасодифан Арқда, беркитилган бинода топилган.

Қушбеги архиви ҳужжатларидан фойдаланиб, Бухоро амирлигининг сиёсий-маъмурий бўлиниши масаласига бағишланган бир қатор илмий нашрлар ҳам мавжуд. бўлиб. В.В. Бартольд томонидан бошлаб берилган изланишлар кейинчалик бир қатор нашрларда ўз аксини топди.

О.А. Сухарева, Б.Х. Кармишева каби тадқиқотчилар Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Жанубий Ўзбекистон худуди этник қиёфасини ўрганиш жараёнида Қушбеги ҳужжатларига тўхталиб ўтишган [6:194]. Бухоро амирлигидаги этник жараёнларни ёритишда Советларнинг дастлабки йилларида Бухоро шаҳри ва яна бир қатор шаҳарларни ўрганган О.А. Сухарева эса ўз тадқиқотларида асосий диққат-эътиборни Самарқанд, Бухоро шаҳарларининг топографияси ва демографик жиҳатларига анча кенг тўхталганини айтиб ўтиш зарур. Тадқиқотчи Бухоро маҳаллаларининг сони, аҳоли сони ва ижтимоий-этник таркиби масалаларига тўхталган. Шунингдек, у амирликдаги Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарларини ҳам шу тартибда ўрганиб, улар бўйича алоҳида тадқиқотлар чоп этган [7:62].

Совет даврида бир қатор ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам минтақа, шу жумладан, Бухоро амирлиги тарихий топонимиясига у ёки бу даражада эътибор қаратишган. Археолог А. Муҳаммаджонов воҳанинг суғорилиш тарихини ёритиш мобайнида бу ернинг тарихий жой номларига ҳам тўхталиб ўтган бўлиб, тадқиқотчи томонидан келтирилган тарихий материаллар бугунги кунда ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган [8:39]. Айниқса, унинг “Бухоро хонлигининг аҳоли манзиллари” номли тадқиқоти бугунги кунда олиб борилаётган тадқиқотлар учун манба вазифасини бажармоқда. Ушбу тадқиқотда XX аср бошларида Бухоро амирлиги таркибида бўлган деярли барча маъмурий-худудий бирликлардаги аҳоли масканлари номлари номма-ном берилиб, бекликлар (вилоятлар) га кўра тақсимлаб чиқилган.

Рус тадқиқотчиси А.А. Семеновнинг маълумотларига кўра, амир йўқ пайтда қушбегининг Аркни тарк этишга ҳаққи йўқ эди. Манбаларга қараганда, қушбегининг Аркда алоҳида уйи, ҳовлиси бўлган. Қушбеги фақат Бухоро вилояти ҳокими бўлиб қолмасдан, барча бекларнинг ҳам олий бошлиғи эди. Амир номига келган хабарлар ва шикоятларни кўриб чиқиш унга топширилган. Қушбеги барча ишни амир розилиги билан қилган ва ҳар куни унга ёзма ёки оғзаки ахборот бериб турган [9:46]. Бухоронинг бош қушбегиси “юқори қушбеги” ёки “қушбеги боло” деб аталган. Бундан ташқари, “қуйи қушбеги” ёки “қушбеги пойон” деб аталган амалдор ҳам бўлган.

Қушбеги ҳужжатларини топонимик материаллар сифатида ўрганиш ишлари мустақиллик йилларида бирмунча кучайди. Хусусан, М.Р. Абдуваҳобова “Қушбеги архивида тарихий топонимлар ва Бухоро амирлигининг маъмурий-худудий тизими (илмий рисола)” номли 2006 йилда Тошкентда нашр қилдирган тадқиқотида ҳужжатларда учрайдиган бир неча ўнлаб аҳоли масканларини келтириб, уларни этнологик ва лингвистик томондан таҳлил қилиб чиққан [10:21].

Бухоро амирлиги тарихини кўпроқ сиёсий жиҳатдан тадқиқ қилган тадқиқотчилар ишларида ҳам бу масалага анчагина тўхталиб ўтилган. Хусусан, Бухоро амирлиги тарихи бўйича кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотчилар - Ш. Воҳидов, Ж. Шодиев, Ж. Баракаев, И. Ҳайдаров, Ф. Очилдиев, Р. Ҳолиқова, А. Ҳоликулов ва бошқаларнинг изланишларида амирликнинг бошқарув шакли, давлат идоралари, девон, юқори мансаб эгалари, амирликнинг ҳуқуқ-тартибот ишлари, ҳарбий ва диний мансаблар каби масалалар кўриб чиқилган.

Бухоро амирлиги тарихи хорижда, хусусан, Ғарбда – АҚШ ва Европада ҳам кўп йиллардан бери ўрганиб келинади. Бироқ Қушбеги ҳужжатларининг хорижда ўрганилиши етарли даражада эмас. Бухоро амирлиги тарихини кўплаб ёзма манбалар, хусусан, амирлик тарихнавислигига оид асарлар асосида ўрганган немис тадқиқотчиси Анке фон Кюгельген ишларида амирлик ҳужжатларига ҳам мурожаат қилингани диққатга сазовордир [11:47].

Хуллас, Қушбеги архиви ҳужжатларининг топонимика ва тарихий-география нуқтаи назаридан ўрганиш ишлари билан танишиб чиқиш шундан дарак берадики, бу борада амалга оширилган тадқиқотлар анча кам. Айниқса, уларни Бухоро амирлиги маъмурий бирликларидаги аҳоли масканлари учун тарихий-географик жиҳатдан таҳлил қилиш ишлари анчагина озчиликни ташкил этади. Чор Россияси ва Совет даврида Қушбеги



хужжатларига мурожаат қилган тадқиқотларда бу масалага анча кам тўхталиб ўтилган. Мустақиллик йилларида эса бу борада анчагина силжишлар бўлаётгани кузатилади. Бироқ айнан биз танлаб олган мавзу доирасидаги тадқиқотлар кўлами ниҳоятда оз. Хорижда эса Қушбеги хужжатлари ҳақида етарлича билишмайди. Бунинг боиси, Советлар давридаги сиёсат натижасида хориж, айниқса, Ғарб тарихчилари ушбу хужжатлардан деярли хабарсиз бўлишган. Фақатгина кейинги йилларда амалга оширилган айрим хориж тадқиқотларида Қушбеги хужжатларидан фойдаланилгани кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахмад Дониш. История мангитской династии. – Душанбе: Дониш, 1967.
2. Норкулов Н. Тарихи Салими – ценный источник по истории Бухарского эмирата (1860-1920): Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИВ АН РУз, 1968
3. Мирза Салимбек. Тарихи Салими /Пер. С персидского, вводная статья и примечания Н.К.Норкуловой. – Ташкент: Академия, 2009
4. Тўраев Ҳ. Мирзо Абдулазим Сомийнинг тарихий асарлари // Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари Республика XII илмий-амалий конференция материаллари. 1- қисм. – Тошкент, 2020.
5. Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России (Бухара) / Под ред. и при участии Урунбаева А. – Ташкент: Фан, 1965
6. Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии // Сочинения. Т. II. Ч. 2– М.: Наука, 1964.
7. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Академии наук УзССР, 1958.
8. Мухаммеджанов А. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала XX в. – Т., 1978.
9. Семенов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени//Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. – Сталинабад, 1954.
10. Абдуваҳобова М.Р. Қушбеги архивида тарихий топонимлар ва Бухоро амирлигининг маъмурий-худудий тизими (илмий рисола). – Тошкент, 2006.
11. Кюгельген Анке фон. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX.). – Алматы: Дайк-Пресс, 2004